

*Исмаилова Зумрад Усмановна ,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Бобожонова Камолат Саминжоновна, 2-тоифали кутубхоначи,
Фаргона давлат университети,
Ўзбекистон, Фаргона ш.*

ЁШЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация: Мақолада ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг зарурияти тадқиқ этилган. Ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтиришда ахборот-кутубхона муассасаси, олий таълим, умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда оила зиммасига ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифа юкланиши масалалари атрофлича талқин этилади.

Annotation: The necessity of forming the culture of the readership in youth have been researched in the article. The role of informational- resource centres, libraries, higher and secondary educational establishments along with responsible tasks of the family in developing and increasing the culture of readership in youth has been discussed.

Калит сўзлар: ахборот маданияти, китобхонлик, маънавият, таълим-тарбия, инновация.

Keywords: information culture, reading, spirituality, education, innovation

Бугунги кунда ёшларни интеллектуал-маънавий даражасининг ўсишида ўқув материалларидан ташқари китобхонлик маданиятининг асосий мезон эканлиги жамиятимизда ижтимоий зарурат сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати жамият ҳаётида эзгу кадрият ва анъаналарни қарор топтиришга, хусусан,

халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Агарки ёшларда китоб ўқиш кўникмаси шаклланса, уларнинг камолоти йўлида қолган барча амалларни китобнинг ўзи ўргатади.

Республикада китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар маҳкамасининг бир қанча қарори қабул қилинди, ҳамда китобхонлик маданиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2019 йил 19 март куни ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган бешта муҳим ташаббус илгари сурилди. Ушбу бешта ташаббуснинг тўртинчиси, яъни аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ҳамда ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Шу ўринда ҳаммамиз учун айти пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”[1]. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган глобаллашув жараёнида талаба-ёшларда китобга бўлган қизиқишни ошириш, улардан маънавий-интеллектуал даражанинг ўсишида китобнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда зарур эканлигини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Муҳтарам Президентимизнинг 2017-йил 12-январдаги

“Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши китобхонлик маданияти тарғиботини янги босқичга кўтарди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари белгилаб берган мазкур устувор вазифани изчил ва тизимли равишда амалга ошириш механизмларини таълим амалиётига жорий этиш вазифаси турибди. Ўқув-тарбия жараёнидан кутилаётган пировард натижа таълим тараққиётини, таълим тараққиёти эса ўз навбатида жамиятнинг тараққиётини белгилайди десак хато қилмаган бўламиз. Чунки, таълим натижаси ҳар доим ёшларларнинг ўқув материални ўзлаштирганлик даражаси билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчи Давлат таълим стандартларини бажариш бараборида ўз олдларига муайян мақсадларни қўяди ва шу мақсадга эришиш учун ҳаракат қилади. Қачонки, ўқитувчи ва талабаларнинг мақсадлари кесишган нуқтада таълим натижаси самарали бўлади. Лекин масаланинг бошқа томони бор, яъни таълим натижаси ҳар доим субъектив ва индивидуал характерга эга бўлган. Ўқув материалнинг ўзлаштириш қийинчиликлари ва қувончларини фақатгина талаба ҳис қилади, айнан шу жараёнда ўқитувчи ўқувчи-нинг мотивлари, ҳис-туйғулари, интилиш ва қизиқишларига таъсир қила оладиган шахс сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб, талабаларни ўқув материалларини ўзлаштирганлик даражаларидан огоҳ қилиб туради, талаба эса ўз ютуқ ва камчиликларини англаб, ютуқларини кўпайтиришга, камчиликларини бартараф этишга интилади. Бу эса, ўз навбатида, таълимнинг субъектив қимматини оширади.

Бинобарин, ёшлар учун таълимнинг шахсий аҳамияти ошади, ва улар ўқиш-ўрганишининг зарурийлигини таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтда англайди. Демак, талабаларни интеллектуал-маънавий даражасининг ўсишида, ўқув материалларининг ўзлаштиришларида, асосан, тафаккур жараёни муҳим рол ўйнайди, Айнан

тафаккур жараёнини кенгайтиришнинг энг муҳим воситаси эса китоб ўқиш билан белгиланади. Талаба ёшларни китоб ўқишга бўлган интилиши ва қизиқишларини қуйидагича амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

- китоб ўқишга бўлган қизиқиш талаба ёшларни ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқ. Ушбу ҳис-туйғу ўқитувчи томонидан рағбатлантирилиши билан намоён бўлади ҳамда ёшларда китоб ўқишга бўлган истакни ва иштиёқни шакллантиради;

- китоб ўқишга бўлган истак ва иштиёқнинг шаклланиши натижасида талаба ёшларнинг маънавий ва маданий эҳтиёжлари қондирилади ва жамиятдаги маънавий қадриятлар, маданий меъёрлар, шахслараро муносабатларни эгаллаш жараёни тезлашади;

- китоб ўқишга бўлган эҳтиёж талабаларни интеллектуал-маънавий даражасининг ўсишига олиб келади ва натижада талаба ўқув материалларини ўзлаштиришда ўз ҳаракат дастурини тузиш имкониятига эга бўлади;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, китобхонлик маданияти таълим жараёнида ёшларни ақлий фаоллигини таъминлаб, билиш фаолиятларини жадаллаштириш имконини беради. Китобхонлик маданияти таълим жараёнида таълимнинг анъанавий моделидан шахсга йўналтирилган янги таълим моделига ўтиши ва бунда устоз шогирд ҳамда замонавий ахборот технологиялари фаолияти алоқадорлигини таъминлаш ва таълимнинг замонавий ўқитиш усулларини қўллаш талаби билан бевосита боғлиқ бўлиб, алоҳида дидактик аҳамият касб этади.

Бу билан талаба ёшлар ҳаётида китобхонликни заруратга айлантириши кераклиги, уларда китоб ўқишга ҳавас уйғотиш ва бу борада устоз мураббийлар ҳамда кутубхона ходимлари бевосита ёрдам беришлари лозимдир. Барчамизнинг вазифамиз кутубхона ишини янада ривожлантириш, талаба ёшларни бу масканга янаям кўпроқ жалб этиш, маданий-маърифий

тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш орқали юқори даражага кўтаришимиз лозимдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси. 2017-йил 17-январ.

2. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти. ЎУМ. ФарДУ, 2020.

3. Каримов, У. У. (2017). РОЛЬ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1189-1192).

4. Каримов, У. (2017). ИНФОКОМТЕХНОЛОГИИ (ИКТ) ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЧНОСТИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1160-1163).

5. Karimov, U., & Abdurakhmon, A. (2017). INNOVATIVE INFORMATION TECHNOLOGY IN EDUCATION. *Форум молодых ученых*, (5), 9-12.

6. Abdurakhmonova, M. M., ugli Mirzayev, M. A., Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.